

БИТИРУВЧИ: ТУРДАЛИЕВ ИЛХОМ ҒОФУРЖОНОВИЧ

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I-боб. Маҳаллий бюджет харажатларидан самарали фойдаланишнинг моҳияти, аҳамияти ва назарий асослари.....	
I.1 Маҳаллий бюджетнинг моҳияти, аҳамияти назарий асослари..	7
I.2 Маҳаллий бюджет харажатларининг таснифи.....	15
I.3 Маҳаллий бюджет харажатларининг меъёрий асослари.....	20
II-боб. Иқтисодий ислохотлар шароитида маҳаллий бюджетлар харажатлари ва улардан самарали фойдаланишининг таҳлили.....	
II.1 Маҳаллий бюджетлар динамика ўзлаштиришининг таҳлили..	27
II.2 Маҳаллий бюджет харажатларидан соҳалар бўйича фойдаланишнинг таҳлили.....	31
III-боб. Маҳаллий бюджетларнинг харажатларидан самарали фойдаланишнинг такомиллаштириш.....	
III.1 Маҳаллий бюджетларнинг харажатларидан самарали фойдаланишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари.....	40
III.2 Маҳаллий бюджетларнинг харажатларидан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибаси.....	45
Хулоса ва таклифлар.....	49
Фойдаланилган адабиётлар.....	53

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитларида мамлакатимизда ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий жихатдан ривожланиши жадаллашиб бормоқда. Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, бир томондан, аҳоли турмуш - фаровонлигини янада юксалтириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтирса, бошқа томондан еса қатор ўзига хос ижтимоий муаммоларни ҳал этишни ҳам талаб этади. Маълумки, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал этилишида давлат бошқаруви Қўйи бўғинларининг роли жиддий равишда юқори эканлиги билан характерланади. Ўзбекистонда олиб борилаётган туб иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини таъминлаш, бунга еса замонавий иқтисодиётни барпо этиш орқали еришишдан иборатдир.

Маълумки, аҳоли турмуш-фаровонлигини таъминлашда маҳаллий бюджет асосий молиявий манба саналади. Хозирги кунда ушбу манба билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам йўқ эмас албатта. Президент И. А. Каримов айтганидек: "Хозирги кунда Наманган каби баъзи вилоятлар ва кўплаб Қишлоқ туманлари бюджетларининг дотацияда қолиб кетаётгани, яъни республика бюджети ҳисобидан таъминланаётгани биринчи навбатда мазкур ҳудудларда замонавий корхоналар, кичик бизнес соҳаси, савдо тармоқлари, умуман инфратузилмани ривожлантиришга эътибор берилмаётгани билан боғлиқ, деб айтишга барча асосларимиз бор". Ҳақиқатда ҳам Президент томонидан Наманган вилоятига алоҳида урғу бериб ўтилганлиги бежизга эмасдир. Чунки Наманган вилояти бир неча йиллардирки юқоридан дотация олувчи ҳудуд саналади. Бу мавзунинг долзарб масала эканлиги ҳам мана шундадир.

Мавзунинг ўрганилганлиги. Хозирги кунда ушбу мавзу маҳаллий

бюджет харажатларини такомиллаштириш борасида долзарб масала эканлиги уни ҳар тамонлама ўрганиб чиқишни талаб этади. Шу сабабли ҳам маҳаллий бюджетлар харажатларидан самарали фойдаланиш бўйича мамлакатимиз ва хориж олимлари томонидан ўрганиб келинмоқда. Бу масалалар гарб тадқиқотчилари Р.Левин, С. Зервос, М. Пагано, А. Сиг, А. Стейнбери, Г. Зеро, МДХ олимлари А. Бабич, Л. Павлова, Т. Брайчева, М. Романовсков, И. Гаврилова, С. Голицкая, М. Дмитриев, Л. Журавлева, Ўзбекистонлик олимлар А. Ваҳобов, Т. Маликов, Р. Намозов, Қ. Яҳёев, З. Сирожиiddинова, А. Раҳимов ва бошқлар томонидан ёритилган бўлсада, республиканинг алоҳида ҳудудлари бўйича тадқиқотлар етарли эмас.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий бюджетларни ролини такомиллаштириш бўйича долзарб масалаларни тадқиқ етишдир. Ушбу мақсадга еришиш учун Қуйидаги вазифалар белгилангандир:

- Маҳаллий бюджет харажатлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва зарурлиги ўрганиб чиқиш;

- Маҳаллий бюджетлар харажатларидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш;

- Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маҳаллий бюджетлар томонидан амалга ошириладиган харажатлар ва уларнинг молиявий манбаларини ҳамда уларнинг тахлилини ўрганиб чиқиш;

- Минтақаларни ривожлантириш борасида юқори ва қуйи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва уларни такомиллаштириш йўлларини асослаш;

- Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳаллий бюджетларни Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда вужудга келадиган муаммоларни аниқлаш ва бартараф етиш жараёнини ўрганиб чиқиш;

- Маҳаллий бюджет назоратини ташқил етишда ғазначилик тизимининг

афзалликлари ўрганиб чиқиш ва бошқалар.

Ишнинг методологияси ва услублари. Битирув малакавий ишининг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент И.А.Каримовнинг иқтисодий ислохотларнинг йўналишлари ҳар томонлама чуқур асослаб берилган асарлари, мамлакатимизнинг бюджет қонунчилиги ва молия фанининг назарий хулосалари ташкил этади. Мавзудаги масалаларни илмий тадқиқ етишда илмий билишнинг илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, мантикий ёндашув, статистик умумлаштириш усуллари қўлланган.

Ишнинг объекти ва предмети. Ишнинг **объект** сифатида Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани маҳаллий бюджети олинган. Предмети минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий бюджетлар ва ижро етилиши борасидаги муносабатлардир.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ифоланмоқда:

- Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий бюджетлар асосий молиявий дастак эканлиги ўрганиб чиқилган;
- Маҳаллий бюджетларнинг харажатлари шаклланишида ҳокимият органларининг ролини илмий таҳлил қилинган;
- Маҳаллий бюджетларнинг харажатлари шаклланишида ҳамда ижросида маҳаллий молия бошқарув идоралари ролини оширишнинг асосий йўналишларини ёритиб берилган;
- Минтақаларни ўзаро тенглаштириш, яъни юқори ва қуйи бюджетларни баланслаштириш бўйича аниқ таклифлар бериб ўтилган;
- Маҳаллий бюджетлар харажатларини молиялашда маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг улушини ошириш юзасидан мулоҳаза юритилади;
- Маҳаллий бюджет харажатлари ва уларни такомиллаштириш йўллари асослаб берилган.

Ишнинг натижалари маҳаллий бюджетлар самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши ва асослаб берилишида қўлланиши мумкин.

Битирув малакавий иши таркиби ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш қисми, учта боб, хулоса ва таклифлардан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлиги, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг метод ва услублари, ишнинг предмети ва объекти, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва ишнинг таркибий тузилиши асослаб берилган.

Биринчи бобда Маҳаллий бюджет харажатларидан самарали фойдаланишнинг моҳияти, аҳамияти ва назарий асослари баён этилган.

Иккинчи бобда Иқтисодий ислохотлар шароитида маҳаллий бюджетлар харажатлари ва улардан самарали фойдаланишининг таҳлили кўрсатилган

Учинчи бобда Маҳаллий бюджетларнинг харажатларидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш йўллари айтиб ўтилган

Хулоса қисмида тадқиқотнинг энг муҳим натижалари баён қилиб берилган.

I-боб. Махаллий бюджет харажатларидан самарали фойдаланишнинг моҳияти, аҳамияти ва назарий асослари.

I.1 Махаллий бюджетнинг моҳияти, аҳамияти назарий асослари.

Махаллий бюджетлар кўп сонли бўлиб, бюджет тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Уларни бериш ободончилик, халқ фаровонлиги ва маданиятини устиришда аҳамияти каттадир. Чунки қабул қилинган фармон ва кўсратмалар махаллий бюджетлар орқали ижро этилади. Бу махаллий ҳокимиятларнинг асосий функцияларини белгилаб беради. Аҳоли учун қилинган асосий харажатлар махаллий бюджетлар орқали ўтади. Шусабабли улар аҳолига яқин. Улар истак ва хоҳишлар билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар. Махаллий бюджетлар даромадлари асосан иккига бўлинади:

1. Ўзларига бевосита тушувчи даромадлар.
2. Юқори бюджетдан ажратма сифатида келадиган даромадлар.

Махаллий бюджетларнинг ўз даромади шаҳарларда 30 %, қишлоқда 10-20 % ажратма даромадлар эса қолган қисмини ташқил этади. Ўз даромади қанча кўпайса, унинг имконияти шунча барқарорлашади. Махаллий иқтисодиёт қанча ривожланса даромадлар шунча кўп тушади.

Махаллий бюджетга асосан маорифга, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминотга, маданиятга маблағлар сарфланади. Бу харажатлар смета асосида режалаштирилади, молиялаштирилади. Бозор иқтисодиёти шароитида махаллий бюджетларга эътибор кўпаймоқда. Уларни қўллаб қувватлашга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозирча тақиллик даврида асосий моддаларга маблағлар бериляпти, чунки янги харажатлар келиб чиққанлиги сабабли маблағлар етишмаяпти. Махаллий бюджетлар муаммолари кўп, уларни ўрганиш керак.

Махаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади. Махаллий бюджетлар орқали

худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши молиявий маблағлар билан таъминлаб борилади. Маҳаллий бюджетла Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий қисми сифатида ўзида 14 та мустақил бюджетни мужассамлаштиради.

Президентимизнинг фикр мулоҳазаларидан ва бюджет ижросини амалдаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий бюджетларнинг ҳукуматнинг ижтимоий – иқтисодий сиёсатини амалга оширишдаги маъқейини янада оширишга сабаб бўлаётган қуйидаги омилларни ажратиб кўсратиш мумкин:

1. Маҳаллий молия органларининг бюджет ижросидан манфаатдорлигини ошириш ва шунинг асосида бюджет харажатларини тўғри ва оқилона тарзда сарфланишини ва бюджетга тушумларнинг янги мабааларини кидириб топишга ва рағбатлантиришни таъминланишнинг зарурлиги. Ҳақиқатдан ҳам, бюджет харажатларини амалга оширишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олинадиган товарлар баҳосини сунъий равишда ошириш, бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш ҳоллари кўплаб учрамоқда.

2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларининг устуворлиги. Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бозор иқтисодиётига ўтиш дастўрининг энг устувор йуналиши сифатида тан олинди. Республика президенти И.Каримов томонидан илгари сурилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамоилларидан бири – аҳолини демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ҳисобланади. Шу сабабли, аҳолининг кам таъминланган қатламларига тўланаётган ижтимоий тўловлар ҳажми ошиб бормоқда. 2005 йилда Республика бюджетининг харажатларини умумий суммаси 219.9 миллиард сумни ташқил этгани ҳолда, унинг 12,2 фоизи ижтимоий харажатлар ҳиссасига тўғри келди. Ушбу харажатларнинг асосий қисми маҳаллий бюджетлар орқали ўтади. Республика давлат бюджетида ижтимоий харажатларнинг ўсиши давом этапти. Солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари

солиқ тўловларининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини белгилайди, солиқ ишларини юритиш тартибини ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарликни тартибга солиб туради.

Ҳар бир шахс ушбу кодексда кўсратилган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт. Солиқ солиш юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъий назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади:

Белгиланаётган солиқлар ва йиғимлар товарларнинг (ишлар ва хизматларнинг) ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиш ёхуд солиқ тўловларининг иқтисодий фаолиятини бошқа тарзда чеклаб қўйиш ёки унга ғов бўлиш мумкин эмас.

Олинган манбааларидан қатъий назар барча даромадларга солиқ солиниши шарт. Солиқ имтиёзларини белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак.

Ушбу Кодексда солиқлар 2 хил турда мавжуддир:

- Умумдавлат солиқлари;
- Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

1. Мол-мулк солиғи.
2. Ер солиғи.
3. Савдо – сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари.
4. Юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғилланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.
5. Ободончилик ишлари ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш

учун йиғим.

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибда солинади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан жорий этилади ва республиканинг бутун ҳудудида ундурилади.

Амалиётда солиқ деганда бази бюджетга тушадиган пул ёки мажбурий тўлов деб таъриф берилади. Бу тўлиқ бўлмаган илмий асосланмаган таърифдир. Ахир бюджетга пул солиқсиз ҳам тушиши ва солиқсиз ҳам мажбурий тўлов борлиги, кўпчиликка маълумку. Биз солиқларга қуйидаги таърифни берган эдик.

Солиқлар бу бюджетга тушадиган (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан давлат ўртасидаги муносабатларни ифода этади. Солиқлар энг аввало давлатнинг ижтимоий зарурий вазифаларини молиявий маблағлар билан таъминлашнинг зарурлигидан келтириб чиқарилади. Давлат олдида турган умумжамият вазифаларига ҳозирги шароитда қуйидагилар киради:

1. Аҳолининг кам таъминланган табақаларини (талабалар, нафақаўрлар, ноғиронлар ва бошқалар) ни ижтимоий химоя қилиш;
2. Мамлакат мудофаасини таъминлаш;
3. Мамлакат фукараларининг тинч меҳнат қилиш ва эркин яшаш муҳофазасини таъминлаш;
4. Мамлакат ичида узлуксиз ижтимоий маданий тадбирларни (маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқалар) амалга ошириш;
5. Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, маданий, сиёсий алоқалар ўрнатиш ва ҳаказо.

Бу вазифаларни амалга ошириш нихоятда кўп молиявий ресурслар талаб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу ресурсларни фақат солиқлар ва

солиқ характерига эга бўлган тўловлар орқали амалга ошириш мумкин.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлардан ташқил топади.

Бириктирилган даромадлар деб молия органи жойлашган ҳудуддан олинувчи ва тўлиқ шу ҳудуднинг бюджетига тушадиган солиқлар ва ажратмалар тушунилади.

Тартибга солувчи даромадлар деганда маҳаллий бюджетларга юқори бюджетлардан ёки республика бюджетидан ажратиладиган даромадлар тушунилади.

Республика маҳаллий бюджетларининг даромад базасини ҳолатини таҳлил қилиш натижалари шуни кўсратадики, маҳаллаий бюджет даромадларининг давлат бюджети даромадларининг ҳажмидаги салмоғи ўсиб бормоқда. Чуночи, 2004 йилда бу кўсраткич 47,3 фоизни мутлоқ суммада 1683,0 млрд. сумни ташқил қилди, 2006 йилда эса бу кўсраткичнинг миқдори 51,2 фоизни ёки мутлоқ суммада 3035,2 млрд. сумни ташқил қилди. Демак, ўсиш сўрати 3,9 фоизни ташқил қилди. Бу асосан маҳаллий бюджетларга бириктирилган даромадлар сонини ошиши ҳисобига ҳолда тартибга солувчи даромадлардан маҳаллий бюджетларга ажратмалар ҳажмини кўпайиб бориши билан боғлиқдир.

Таҳлил натижалари шуни кўсратадики, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари таркибида тартибга солувчи солиқларнинг салмоғи 2004 йилда 74,8 фоизни, 2006 йилда эса 62,7 фоизни ташқил қилди.

2006 йилда Давлат бюджети тўғрисидаги Республика Президентининг қарорига асосан тўртта солиқ тури: қўшилган киймат солиғи, фойда (даромад) солиғи, аҳоли даромадидан олинадиган солиқ, акциз тартибга солувчи солиқлар сифатида сақлаб қолинди. Бириктирилган даромадлар сони ва ҳажмининг ҳукумат томонидан оширилиши икки муҳим вазифани бажариш имконини беради: биринчидан маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси мустаҳкамланади; иккинчидан маҳаллий ҳокимият органларининг ҳудудларда солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида йиғиб олишдаги

манфаатдорлигини оширади.

Махаллий бюджетларга айрим даромадларнинг бириктирилиши махаллий ҳокимиятларнинг бюджет маблағларини ўз вақтида ва тўлиқ йиғиб олишни таъминлашга, махаллий бюджетларни даромад базасини мустаҳкамлашга бўлган кизикишини кучайтиради.

Ўзбекистон Республикасида махаллий бюджетларга бириктирилган солиқлар ва тушумлар ҳар йил янги бюджет йили учун тасдиқланади. Чунончи, «Ўзбекистон Республикасида Президентининг 2006 йил «Давлат бюджети тўғрисида»ги, 2006 йил 18 декабрдаги Пк-532-сонли қарорига асосан 2006 йилда махаллий бюджетларга бириктирилган даромадлар қилиб қуйидаги солиқлар белгиланади: ер солиқи, мол-мулк солиғи, сув учун тўлов, транспорт воситалари учун ёкилги солиғи, ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

Ривожланган хорижий мамлакатларда махаллий бюджетларнинг даромадлари таркибида тўғри солиқларнинг ҳиссаси каттадир. Скандинавия мамлакатларида фойда солиғи, аҳолидан олинadиган даромад солиғининг бириктирилган жами солиқлар суммасидаги салмоғи 80-90 фоизни ташқил этади.

Белгия, Германия, Австрия давлатларида худди шу кўсраткич 50 фоиздан ортиқдир. Ирландия эса мол-мулк солиғи ягона бириктирилган солиқ ҳисобланади. Нидерландия эса мулк солиқлари ҳисобига барча бириктирилган солиқларнинг 2 дан 3 қисми тўғри келади. Японияда эса махаллий бюджетларга бириктирилган солиқлардан тушадиган даромадларнинг 48 фоизи уй-жой солиғи ҳиссасига, 21 фоизи эса кўчмас мулк солиғига тўғри келади.¹

Махаллий бюджетларнинг даромад базасини ташқил топишини амалдаги тизимини асосий камчилиги шундаки, у ҳудудий молия, яъни ўша ҳудудда жойлашган хўжаликларнинг молияси билан заиф боғланган. Махаллий саноат, озиқ-овқат саноати, махаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисмини бериш керак. Қашқадарё вилояти асосан

қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги сабабли, қишлоқ хўжалиги корхоналаридан олинадиган солиқлар ва ажратмалар бюджетнинг бириктирилган даромадларининг асосий мабаларидан бирига айланаши керак. Аммо қишлоқ хўжалик корхоналарининг рентабеллик даражаси паст бўлиб, уларнинг сезиларли қисми зарарга ишлайди.

Маҳаллий бюджетларнинг кўпгина тармоқлари зарарга ишлайди. Масалан: маҳаллий транспорт, уй-жой, коммунал хўжалиги ва бошқалар. Уй-жой коммунал хўжалигининг айрим шахобчалари (канализация, таъмирлаш қурилиш идоралари ва бошқалар) рентабеллик бўлишига қарамасдан уй-жой коммунал хўжалиги зарарга ишловчи хўжалик сифатида қолаяпти. Уй-жой фондини сақлашга ҳар йили бюджетдан катта маблағ сарфланади. Уй-жой фондини хусусийлаштиришни ушбу маблағлар ҳажмини сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.

Маҳаллий бюджетларга тартибга солувчи даромадларни қатъий белгиланган ва нисбатан узоқ муддат ўзгармайдиган кўсраткичлар шаклида берилмаслиги маҳаллий молия муасасаларида лоқайдлик текинхўрлик каби ҳислатларни шаклланиб олишига сабаб бўлади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини таҳлил қилишда республика бюджетидан бериладиган дотация масаласи ҳам асосий ўринни эгаллайди.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харожатларини тенглаштириш мақсадида дотация ва субвенциялардан фойдаланилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солишда қўлланилади.

Дотация ўз моҳияти жиҳатидан давлат бюджетидан муҳим хўжалик ва ижтимоий маданий тадбирларни амалга ошириш учун маҳаллий ҳокимият органларининг иштирокини тегишли пул маблағлари билан таъминлаш мақсадида бериляпти. Кейинги вақтларда дотациялар маҳаллий бюджетларни даромадлари ва харожатларини тенглаштириш мақсадида берилмоқдаки, бу дотациянинг бюджет сиёсатининг самарадорлигига салбий таъсир қилишига

сабаб бўляпти, Чунки дотация боқимандалик кайфиятини юзага келтиради.

2008 йилда республика бюджетида маҳаллий бюджетларга берилган дотациялар улар даромадининг 10,2 фоизини ташкил қилди.

Дотациялардан бирдан воз кечиб бўлмайди. Чунки дотациялардан воз кечиш мақсадида доимий тушмайдиган даромад манбаларидан ажратмаларни ошириш маҳаллий бюджетларни оғир ахволга солиб қўйиши мумкин. Бу доим Молиялаштиришга маблағ етишмаслигига, юқори бюджетга қарз сўраб мурожат қилишга олиб келади. Шу сабабли дотацияларни аниқ мақсадлар ва шароитлардан келиб чиқиб ишлатиш лозим.

Бюджет тиизимидаги ҳар бир бўғин ўз даромад ва харажатларига эга. Даромад ва харажатларнинг бўғинлар ўртасидаги тақсимоти мамлакат конституцияси, молиявий қонунлар, бюджет ҳуқуқлари асосида тақсимланган. Бу тақсимотда корхона ва ташкилотларнинг хизмати аҳамияти, каерда жойлашганлиги, ишлаб чиқариш қувватларига эътибор берилган.

Маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари кам харажатларни қоплашга етмайди. Шу сабабли уларни тенглаштириш муаммолари жуда долзарб масала ҳисобланади. Харажатларнинг 60-70 % дан юқори бюджетга солиқ ва даромадларнинг ажратма ҳисобидан қопланади. Бу солиқ ва даромад шу ҳудуддаги корхоналардан тўлангандир.

Дотациялар – юқори турувчи бюджетдан қуйи бюджетга харажатларни молиялаштиришга етмаган қисми учун маблағ ажратиш.

Субвенциялар – юқори турувчи бюджетдан қуйи бюджетга аниқ мақсадли харажатларни молиялаштириш учун ажратиладиган маблағ.

Бюджет тизими – иқтисодий муносабатларга ва ҳуқуқий номаларга асосланган, қонун асосида ўзаро муносабатга киришадиган барча турдаги бюджетлар йигиндиси.

Республика бюджети – асосан давлат аҳамиятидаги харажатларни молиялаштиради; бюджет бўғинлари ўртасидаги даромад ва харажатларни тенглаштиришда асосий захира бўлиб хизмат қилади.

Бюджет харажатларининг умум қабул қилинган туркумланиши асосан 4 бўлимдан иборатдир:

1. Социал – маданий тадбирларни молиялаштириш;
2. Тармоқлар иқтисодини молиялаштириш (марказлашган инвестиция);
3. Мудофаа харажатлари;
4. Бошқарув харажатлари.

Бюджет харажатларининг мақсадли йуналиши шартли ҳолатда иккига бўлинади:

- 1) Жорий харажатлар.
- 2) Ривожлантириш харажатлари.

1.2 Маҳаллий бюджет харажатларининг таснифи.

Маҳаллий бюджетнинг харажатлари бу маҳаллий ҳокимиятнинг ўз функциялари билан боғлиқ равишда юзага келадиган сарф харажатларни акс эттирувчи иқтисодий муносабатлар бўлиб, улар асосида маҳаллий регион пул маблағлари жамғармасини тасдиқлайди.

Жами иқтисодий ҳаётида ижтимоий ислохотларни амалга оширишда давлат ролининг ошиши бюджет харажатларининг турли-туман кўринишларда бўлишини асослайди. Бу ўз навбатида бир қатор омиллар билан боғлиқдир. Булар жумласига қуйидаги асосий омилларни кўсратиш мумкин:

- давлатнинг функциялари ва географик жойлашиши;
- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараккиёт даражаси;
- давлатнинг маъмурий – ҳудудий тузилиши;
- бюджет маблағларини беришнинг шакллари ва шу кабилар.

Ушбу омилларни мувофиқлаштириш давлат ривожланишининг ҳар бир босқичида иқтисодиёт эҳтиёжлари, иқтисодиётни бошқариш даражаси ва кўринишларига мос келувчи харажатлар тизимини келтириб чиқаради. Бюджет харажатларини ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этишига кўра жорий ва капитал бюджет харажатларига ажратилади. Жорий бюджет

харажатлари юридик шахсларга ўзларини сақлаш ва кундалик эҳтиёжларини коплаш учун бериладиган молиявий маблағларни ифодалайди. Бу харажатлар давлат истеъмол учун харажатларни, ҳукуматнинг қуйи ташкилотларига, давлат ва бошқа мулк шаклидаги корхоналарга бериладиган жорий субсидияларни транспорт тўловларини, давлат қарзи буйига фоизларини тўлаш ва бошқа харажатларни ўз ичига олади.

Капитал харажатлар бу асосан капиталга қўйилмалар ва захираларнинг кўпайиши билан боғлиқ пул сарфларни ўзида акс эттиради. Бу харажатлар халқ хўжалигининг турли тармоқларига бюджет хисобидан капитал қўйилмаларни, инвестиция ва субсидияларни ва давлат тасарруфидан ташқаридан ташқаридаги корхоналар ҳамда ҳукуматнинг маҳаллий корхоналарига узоқ муддатли бюджет кредитларини ўз ичига олади. Ижтимоий йуналишига кўра бюджет харажатларининг гурухланиши давлатнинг бажарадиган иқтисодий, ижтимоий, мудофаа ва бошқа функцияларини акс эттиради. Бунга мувофиқ бюджет харажатларини тўрт гурухга бўлинади:

- ижтимоий маданий тадбирларни молиялаштириш;
- марказлашган инвестиция харажатлари;
- Бошқарув харажатларини молиялаштириш;
- Мудофаа.

Тармоқларга кўра бюджет харажатларининг гурухланиши иқтисодиётни умумий равишда қабул қилинган тармоқлари ва фаолият турларига бўлинишига асосланган. Шунга кўра ишлаб чиқариш соҳасига харажатлар халқ хўжалиги тармоқлари бўйича саноатни, қишлоқ хўжалигини, капитал курилишни, транспорт алоқа, савдо ва бошқа тармоқларни ривожлантиришга, ноишлаб чиқаришга, маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, спорт, вақтли матбуот, давлат бошқаруви ва азоларга бўлинади. Харажатларни тармоқлар бўйича бўлиниши бюджет маблағларини тақсимлашда муносибликларни аниқлаш ва уларни ўзгартириш орқали ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилишида зарур

силжишларга эришиш имконини беради.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда бюджет харажатлари мақсадига кўра ҳам сарфланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида харажатларни қуйидаги йуналишлар бўйича гуруҳлараро ажратиб қўлланилади:

- иш хаки;
- иш ҳақидан ажратмалар;
- коцелярия ва хўжалик харажатлари;
- хизмат сафари харажатлари;
- ўқув харажатлари;
- стипендия;
- озиқ-овқат харажатлари;
- дори дармон ва боғловчи воситаларни сотиб олиш харажатлари;
- Юмшоқ анжомлар ва махсус кийимларни сотиб олиш;
- Бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш харажатлари;
- Давлат капитал қўйилмалари;
- бошқа харажатлар.

Маҳаллий бюджет харажатларининг йуналишларига тўхталадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат:

- халқ хўжалигини молиялаштириш харажатлари;
- капитал қўйилмаларни молиялаштириш харажатлари;
- ижтимоий маданий тадбирлар харажатлари;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари;
- бошқарув органларини сақлаш харажатлари.

Сўнгги даврларга бюджет харажатларининг асосий қисми халқ хўжалигини молиялаштиришга сарфлаб келинган. Ҳозир бозор муносабатларининг шаклланиб бориши эса бюджет маблағларини сарфлаштиришнинг ўзгартиришни талаб этади. Шунинг учун ҳам халқ хўжалигини молиялаштириш бўйича маҳаллий бюджетдан молиялаштириш харажатлари ҳажми қисқартирилди. Бунинг асосий сабаби қуйидагилардан

иборат, яъни:

- мулкчилик шаклларининг кўпайиб бориши, хўжалик субъектларининг ўз мулкига тўла эгалик ҳуқуқини берилиши муносабати билан корхоналарга дотациялар бериш аста – секин тўхтатилди;
- корхоналарнинг эркинлаштирилиши туфайли озиқ - овқат ва саноат маҳсулотларининг кўплаб турлари бўйича нархлар ўртасидаги фарқни қоплашга ажратиладиган дотациялар бекор қилинди;
- давлат мулкни хусусийлаштириш дастурини кетма-кет амалга ошириш ва давлат бўғинининг кескин қисқариши;
- бюджет маблағларини сарфлашда қаттиқ тежамкорликка эришиши.

Бунда иқтисодиётни барқарорлаштириш ва унинг ривожланиши учун шароитларни яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳар қандай сарфларни бюджет харажатлари таркибидан чиқариш ҳамда ажратилган бюджет маблағларини тўғри ишлатишни назорат қилиш йулини қўллаш зарур.

Маҳаллий бюджетлар харажатларига қаттиқ бюджет чекловларини қўллаш бир вақтнинг ўзида, солиқ тушуларининг ўсишини ҳам ҳисба олиши ва етарлича бюджет мустақиллиги ҳамда шароитга мослашувчанлигини ҳам талаб этади.

Бугунги кунда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида харажат мажбуриятларидаги чекловлар эгилувчан, бироқ бир тизимга солинмаган кўринишга эгадир. «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун билан республика ва маҳаллий бюджетлардан тармоқлар бўйича харажатларни молиялаштиришнинг чекловлари ва қонуний мустаҳкамланиши амалга оширилган. Бироқ, қонунда келтирилган чекловлар республика ва маҳаллий бюджетлар харажатларини молиялаштириш жараёнидаги маълум номуносивбликларни бартараф қилмайди.

Молия вазирлиги ва ҳудудий Молия бошқармалари ўртасидаги келишмовчиликлар маҳаллий бюджетлар харажатларини тахминлаштириш босқичидаёқ юзага келади. Маҳаллий бюджетлар харажатларини тахминлаштиришда Молия Вазирлиги мавжуд имокниятлардан, яъни тахмин

килинаётган даромадлардан келиб чиқади. Худудлар даражасида харажатларни тахминлаштириш жойлардаги реал эҳтиёжлардан келиб чиқиб амалга оширилади, бу эса мос равишда Молия вазирлиги тахминларини ошириб юборади. Марказ ва худудлар молиявий имкониятларини мувофиқлаштириш жараёнида маҳаллий бюджетлар харажатларининг оптимал тахмини аниқланадики, ушбу миқдор даромад базасидан келиб чиқади.

Бундай ёндашув «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун билан ҳам мустаҳкамлаб қўйилган, ваҳоланки, мазкур қонунга мувофиқ маҳаллий бюджетлар тақиллигига йул қўйилмайди. Шунга мос равишда маҳаллий бюджетларнинг харажатлари субвенсияларни ҳам ҳисобга олган ҳолдаги даромадлардан ортиб кетмаслиги амалиётда талаб этилади.

Маҳаллий бюджетлардан халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасалари молиялаштириб борилади. Маҳаллий бюджетлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлатни олиб бораётган сиёсатининг жойлардаги асосий таянчи ҳисобланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларини қарийб 100 фоизини маҳаллий бюджетлар орқали молиялаштирилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши ва социал иқтисодий ислохотларни амалга оширилаётган даврда маҳаллий бюджетларни республикани ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришдаги роли янада ошмоқда. Бунга ёрқин далил олдинги йилларда республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилиб келинган кадрлар, мутахассислар тайёрлаш, яъни ўрта махсус ўқув харажатларини маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилишини амалга оширилишидир. Давлат капитал қўйилмаларининг маҳаллий бюджетлардаги ҳамининг йилдан – йилга ошиб бориши ҳамда давлатнинг аҳолини ҳимоя қилиш харажатларининг кескин ошиб бориши ва мазкур харажатларнинг молиялаштириш асосан маҳаллий бюджетлар томонидан амалга оширилиши ҳам маҳаллий бюджет харажатларининг давлат бюджетидаги салмоғини ошишига олиб келмоқда.

Маҳаллий бюджет орқали капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун маблағ ажратилади. Бу эса иқтисодий ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Капитал қўйилмаларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга молиялашган амал қилаётган асосий фондаларни кенгайтириш қайта таъмирлаш ва техник қайта жиҳозлаш, янгиларини яратишга пул маълагларини беришдир. Бунда бюджетдан молиялаштириш иқтисодиётнинг давлат бўғинида амалга оширилаётган капитал қўйилмаларга нисбатан қўлланилади.

Маҳаллий бюджет харажатларининг яна муҳим йуналиши бу ижтимоий маданий тадбирлардир. Ушбу тадбирларни молиялаштириш харажатлари халқ таълими, маданият, саноат ва оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимоий таъминот каби соҳаларга йуналтирилади.

Маҳаллий бюджет харажатларининг республикамиз учун хос бўлган йуналиши бу аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларидир. Бу харажатлар ижтимоий аҳамиятга эга бўлган четдан ёрдамга муҳтож ёлғиз, қаровчиси йук, нафақахўрларни текин озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш харажатлари, 2-ёшгача бола тарбиясидаги ишламайдиган оналарга ойлик нафақа тўловлари харажатлари, ижтимоий муҳофазага муҳтож oilаларга моддий ёрдам пули харажатларини ўз ичига олади. Бюджет харажатларини бу йуналиши асосан аҳолининг заиф қатламларини моддий қўллаб-қувватлашининг шаклларида биридир.

Маҳаллий бюджет харажатларининг салмоғи давлат бюджетида кескин ошиб бормоқда. Бунга ёрқин далил олдинги йилларда республика бюджети ҳисобидан модиялаштириб келинган кадрлар мутахассислар тайёрлаш яъни ўрта махсус ўқув харажатларини маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилишини амалга оширишдир. Давлат капитал қўйилмаларининг маҳаллий бюджетлардаги ҳажмини йилдан-йилга ошиб бориши ҳамда давлатнинг аҳолини ҳимоя қилиш харажатларининг кескин ошиб бориши ва мазкур харажатларни молиялаштириш асосан маҳаллий бюджетлар

томонидан амалга оширилиши ҳам маҳаллий бюджет харажатларининг давлат бюджетидаги салмоғининг ошишига олиб келмоқда.

1.3. Маҳаллий бюджет харажатларини меъёрий асослари.

Давлатнинг яхлит молиявий сиёсати молия тизимининг барча бўғинлари. Жумладан бюджет тизимини ва унинг тарихий қисми бўлиш маҳаллий бюджетларнинг ҳам ягона қонунчилик асосида тегишли молиявий иқтисодий шароитларнинг яратилиши билан тўлиқ амалга оширилиши лозим. Шу туфайли молиявий сиёсатнинг ихтиёрий соҳасига тегишли бўлган у ёки бу қарорнинг қабул қилиниши, маҳаллий бюджетлар фаолиятининг асосларига маълум маънода тегишли бўлади.

Ҳар қандай давлатда бошқарув тизимининг хусусиятига қараб, бюджет тизимининг таркиби қонуний тарзда белгиланади. Шунга кўра федератив давлатларда 3-бўғинли бюджет тизими амал қилади.

Ўзбекистонда сиёсий мустақиллик амалга киритилган, иқтисодий мустақилликка эришиш учун муҳим ислохотлар бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд қилинишича 2-бўғинли бюджет тизими амал қилади. Бўларга республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар кўриниши кўсратилган.

Режали иқтисодиёт шароитидаги иқтисодий инфратузилмани бозор иқтисодиёти инфратузилмасига умуман тўғри келмаслиги, яъни иқтисодий инфратузилма барпо этиш зарурлигини белгилаб берди. Энг аввало, бозор инфратузилмасининг муҳим элементлари бўлган банк, молия, солиқ тизимлари тармоқлари барпо этилди.

Юқорида таъкидлаб инфратузилмаларнинг кейинчалик ҳуқуқий асослари яратилди. Ушбу ўтказилган ислохотлардан энг ахамиятлиси бўлиб, бюджет ислохотлари ҳисобланади. Бюджет ислохотларини асосан икки босқичга бўлиш мумкин.

Биринчиси, 1991 – 2000 йилларни ўз ичига оладиган давр. Ушбу даврда Бюджет жараёни иқтисодий равишда иқтисодий дастаклар ёрдамида

бошқарилади. Бюджет ижроси асосан «корхоналарни солиққа тортиш тўғрисида»ги, «Аҳолини ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар Вазирлар Маҳкамасининг, Молия Вазирлигининг ва бир қанча давлат бошқаруви органларининг қарорлари, йуриқномалари, низомларига асосан ижро этилди.

Иккинчидан, «Бюджет тизими тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилингандан сўнг, бюджет ислохотларидаги янги давр. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши бюджет соҳасида бир қанча ислохотларни бошлаб берди. қонуннинг қабул қилиниши бюджет соҳасида бир қанча ислохотлар бошлаб бергандан сўнг бюджет тизими янги моделининг муҳим хусусиятларини белгилаб берди.

Қонуннинг қабул қилиниши орқали маҳаллий бюджетлар ва уларнинг бўғинлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзгаришига, бюджет сиёсати, стратегик йуналишларини белгилашда уларни урни ва аҳамиятини ўсишига ва умуман маҳаллий бюджет фаолиятини ташқил этиш ҳамда бошқариш амалиётига маълум ўзгаришлар киритилди.

Бюджет амалиётининг ҳуқуқий асослари яратилгач, жаҳон андозалари талаблари асосида бюджет жараёнини ташқил этиш ва бошқариш имкониятлари яратилди. Давлат бюджети сиёсати вазифаларини амалга оширишда бюджет амалиётида шаклланиб бораётган тенденциялар қонуниятлар, қаторида қуйидагиларни кўсратиш мумкин:

- Давлат молиясини бошқариш ва давлатнинг молиявий ресурс имкониятлари таркибида давлат бюджети маблағлари аҳамиятининг ўсиши.
- Маҳаллий бюджетлар мажбуриятларининг ортиши, улар зиммасидаги бюджет харажатлари куламини ўсиши.
- Маҳаллий бюджетлар мажбуриятларининг ўсиши натижасида улар ҳуқуқлари ва молиявий имкониятларини ошириш муаммосини кескинлашуви.
- Бюджет бўғинлараро муносабатларини мувофиқлаштиришнинг замонавий усуллари, шакллари ҳамда тамойилларини амал қилинишини таъминлаш

ахамиятининг ортиши.

Бюджет тизими тараккиётидаги ушбу қонуниятлар маҳаллий бюджет бўғинлари олдида муҳим вазифаларни қўяди. Худудлар иқтисодий салоҳияти, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари мустақиллиги ва масъулиятларининг ортиши ҳамда шу билан бевосита манфаатдор бўлган тегишли бюджет бўғининг самарали фаолияти, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини кафолатлайди. Шунга кўра маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш амалиёти илгари амал қилган катор ҳолат ва тадбирлар такомиллаштирилди, ҳамда тегишли ўзгартиришлар киритилди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 3 сентябр 1999 йил 414-сонли қарорида маҳаллий бюджетлар самарали фаолиятини рағбатлантиришга оид тадбирларни ҳамда қонунда белгиланган маҳаллий бюджетлар тақиллигига йул қўймаслиги ҳақида ҳолатни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур 2-ҳуқуқий асос, маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш амалиётига кескин ўзгаришлар киритишни таъминлади.

2000 йил 14 сентябрда «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун қабул қилинган, бюджет тизими бўғинлари шу жумладан маҳаллий бюджет бюджетлар фаолияти ҳуқуқий асосга эга бўлди. Мазкур қонунда Давлат бюджети Республика бюджетидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан иборат эканлиги таъкидланди.

Қонун асосида маҳаллий бюджетларнинг қуйидаги мустақил субъектларини ажратиб кўсратиш мумкин:

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджети;
- Шаҳар бюджети;
- Туманлар бюджети;
- Туманлар таркибидаги шаҳарлар бюджети;
- Шаҳарлар таркибидаги туманлар бюджети;

Бюджет тўғрисидаги қонун ҳар қайси бюджет бўғини учун риоя қилиниши лозим бўлган асосий тамойилларни белгилайди, яъни асосий қуйидагилар:

- Бюджет таснифини ягоналиги
- Бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги
- Турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги
- Барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

Бюджет жараёнини ташқил этиш ва бошқариш муҳим босқич бўлиб, бюджет ижросини ташқил этиш ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар бўйича бюджет ижросини ташқил этиш ва бошқариш, бюджет тизими ҳамда бюджетлараро муносабатларнинг янги модели ўзига хос хусусиятга эга. Бюджет ижроси бюджетнинг нафақат даромад базаси тўлиқ шакллантирилиши ёки харажатларнинг тегишли йуналишлари бўйича ўз вақтида ҳамда тўлиқ амалга оширишни, балки ҳар қайси муаммонинг яхлитлигини, доим ўсиб бориши қонуниятига эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бюджетнинг тараккиётини ҳам ҳисобга олиш зарурлигини қўяди.

Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда бюджет тизимининг таркибий тузилиши, давлат бюджети таркиби ва тузилиши тамойиллари, уни тузиш ва ижро этиш тартиби, даромадларни шакллантириш ва харажатларни амалга ошириш тамойиллари, турли даражадаги бюджетлараро муносабатлар механизми, бюджет маблағлари бўйича операциялар устидан ҳисобот ва назорат тартиби белгилаб берилган. Ушбу қонун VII боб ҳамда 43 моддадан иборатдир. Унда бюджет тизимида қўлланиладиган кўпгина тушунчаларга таъриф берилган.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг биринчи моддасида унинг мақсади ифода этилган, иккинчи моддасида бюджет тизими тўғрисидаги қонун харажатлари ҳақида сўз юритилган. қонуннинг 3 – моддасида «Асосий тушунчалар» деб номланиб, ушбу моддада бюджет тизимида қўлланиладиган 20 дан ортиқ тушунчаларга таъриф берилган. Жумладан давлат бюджетига қуйидагича таъриф берилган:

Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг шу жумладан, давлат мақсадли жамғармаларининг, марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда

даромад манбаалари ҳамда улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йуналишлари ва миқдори назарда тутилади.¹¹

Маҳаллий бюджетларга қонунда қуйидагича таъриф берилагин:

«Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят туман шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манъуалри ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йуналишлари ва миқдори назарда тутилади»

«Республика бюджети Давлат бюджетининг умумдавлат тўғсидаги тадбирларни молиялашда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори. шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йуналишлари ва миқдори назарда тутилади.» қонуннинг ушбу моддасида шунингдек бюджет дотациясига бюджет субвенциясига таъриф берилган.

Қонуннинг II-бобида бюджет тизими бюджет тизимининг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари ҳақида сўз юритилган. Жумладан. Бюджет тизимига қуйидагича таъриф берилган.

«Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар маблағлари оловчилар йигиндисини, уларни ташкил этишнинг ва тузишнинг тамойилларини, шунингдек бюджет жараёнида пайдо бўладиган улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.»

Қонуннинг 11- моддасида Давлатбюджети даромадларига таъриф берилган. Шунингдек қонуннинг 18- моддасида маҳаллий бюджетлар даромадлари қайд қилинган.

Ушбу қонун бошқа давлатларнинг бу борадаги қонунлари билан

¹¹ Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тугрисида» ги қонуни 3- модда

маълум ухшашликка эга бўлсада. Унда Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилиши ва амал қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган. Аммо мазкур қонунда маҳаллий бюджетларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари кўсратилмаган. Чет эл амалиётидан фарқли уларок мамлакатимиздаги маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари мустақил бюджет сифатида Давлат бюджети таркибига кирган ҳолда у бюджет ажратмаларини олувчи ҳисобланади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари амалга оширган харажатлари тўғрисида тегишли маҳаллий бюджетларга ҳисоб берадилар, ҳамда зарур ҳолларда бюджет ажратмаларининг миқдорларини ўзгартиришни амалга оширадилар. Яъни улар ҳам бошқа бюджет ажратмаларини олувчилар каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Бюджет ажратмаларининг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари тадбиркорлик тузилмалари ва жамоатчилик корхоналарини ҳомийлик маблағлари ҳисобига ўз харажатларини молиялаштирадилар.

Қонунда давлат бюджети даромадларининг классификацияси келтирилган бўлиб, ушбу классификация халқаро амалиётдагидан фарқ қилади.

Қонунга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар учун бюджет тақиллиги, қонунда кўсратилмаган манбалар ҳисобидан фондлар ташқил этиш, қарз олиш ёки қарз беришни амалга ошириш (юқори бюджетдан қарз олиш ҳолати бундан мустасно), бюджетда тасдиқланганидан ташқари харажатларни амалга ошириш, бюджет маблағлари ҳисобидан нафлик бериш, юридик ва жисмоний шахсларга бюджетдан қарз бериш каби ҳолатларга йўл қўйилмайди.

II боб. Иқтисодий ислохотлар шароитида маҳаллий бюджетлар харажатлари ва улардан самарали фойдаланишининг таҳлили

II.1 Маҳаллий бюджетлар динамика ўзлаштиришини таҳлили

Маҳаллий бюджет харажатларини бошқариш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қаролари ҳамда Молия вазирининг қатор йуриқномаларида белгилаб берилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 130 - сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари” Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда ўзида бирлаштириган Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни ва давлат мақсадли жамғармаларини тузиш ва ижро этиш тартибини белгилаб беради.

Бюджет ажратмаларини тасарруфчиларини молиялаштириш харажат бўлимлари, боблари, параграфлари, гуруҳлари бўйича (биринчи гуруҳ бўйича – харажат тури, объект ва кичик объекти бўйича) амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан бошқа маблағлари олувчиларни молиялаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 414-сон қарорида белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларида йилнинг айрим даврларида даромадлар ва харажатлар ўртасида вужудга келадиган вақтинчалик касса тафовутларини қоплашга республика бюджетидан ссудалар берилиши мумкин.

Бюджет ссудаларини ажратиш тартиби “Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудалари бериш ва олинган бюджет ссудаларини ўсиш тартиби тўғрисида”ги Низомда кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Молия йили охирига Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар бюджетлари, туман ва шаҳар бюджетлари ҳисобварақларидаги маблағ қолдиқлари, шу жумладан ижтимоий-маданий

ташқилотлар ва контингенти шахобчасини кенгайтириш режаси бажарилмаслиги оқибатида фойдаланилмаган қолдиқлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, шаҳар ва туманлар ҳокимиятлари ихтиёрида қолади.

Тасдиқланган айланма касса маблағлари миқдоридан ортиқ маблағ қолдиғи республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари бюджет маблағларининг эркин қолдиғи бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунни 32-моддасига мувофиқ фойдаланилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетиди, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларида, шунингдек қуйи маҳаллий бюджетларда даромадлар билан харажатлар ўртасида вужудга келган ва айланма касса маблағлари ҳисобига, ўтган йиллар бюджети қолдиқ маблағлари ва жорий йилнинг аввалги чорагида даромадларнинг харажатлардан ошиш суммаси ҳисобига қопланмайдиган вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун юқори бюджетлардан бюджет ссудалари берилиши мумкин.

Бюджетлар ўртасидаги даромад ва харажатларнинг ҳар қандай кўринишидаги тақсимланиши вертикал ва горизонтал номуносивбликка олиб келиши мумкин.

Бюджет номуносивблигининг мавжудлиги бу фақат давлатларнинг ўтиш даврига хос эмас. Хусусан, горизонтал номуносивблик харажатлар ҳажмига таъсир кўсратадиган иқтисодий активликнинг, табиий ресурсларнинг ва демографик омилларнинг нотекис тақсимланиши оқибатидир. Маълумки, горизонтал ва вертикал номуносивбликни тенглаштириш, текислаш мақсадида юқори бюджетлардан молиявий ёрдамларининг турли шакллари ишлатилади.

Республикада иқтисодий салоҳияти паст бўлган ҳудудларда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар уларнинг ўз даромад базаларини шакллантиришлари учун камлик қилади, уларга юқори бюджетлардан субвенциялар ажратилади.

Наманган вилояти маҳаллий бюджети харажатлари таркиби ва тузилиши
(2008-2010 йиллар бажарилиши бўйича)².

2.1.1-жадвал

	Харажатлар	2008йил		2009йил		2010йил	
		миқдори, минг.сўм	салмоғи,% да	миқдори, минг.сўм	салмоғи, %да	миқдори, минг.сўм	салмоғи,% да
1	Иқтисодиёт харажатлари	4356620.0	2.3	5598329.0	2.3	9985611.0	2.9
2	Ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари	127043914.0	69.8	165661031.0	67.9	236035395.0	67.7
3	Давлат бошқарув органлари харажатлари	1726578.0	0.9	2535016.0	1	3590017.0	1
4	Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари харажатлари	2501241.0	1.4	3406075.0	1.4	5443014.0	1.6
5	Капитал қўйилмалар ва лойihalаштириш харажатлари	16305867.0	8.9	27246115.0	11.2	28192192.0	8.1
6	Турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар	26613213.0	14.6	34320794.0	14	58462666.0	16.8
7	Бошқа сарф харажатлар	156072.0	0.8	933963.0	0.3	984030.0	0.3
8	қолган бошқа харажатлар	3391690.0	1.8	4174553.0	1.7	6136063.0	0.2
	Жами харажатлар	182095195.0	100	243875876.0	100	348828988.0	100

² Наманган вилоятмолия бошқармаси маълумотлари асосида битирувчи томонидан тайёрланди.

Юқоридаги 2.1.1-жадвалда Наманган вилояти маҳаллий бюджети ҳаражатларининг таркиби ва тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Унда барча маҳаллий бюджетларга хос бўлган умумий хусусиятни кузатиш мумкин, яъни бугунги кунда маҳаллий бюджетлар тобора кўпроқ ҳудудий ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш қуролига айланиб бормоқда. Ҳудуддаги ижтимоий-маданий соҳаларнинг минимал жорий еҳтиёжларини қондириш, соҳа муассасалари ва ташкилотларини сақлаш мақсадларига қарийб 68 фоиздан кўпроқ маблағ йўналтирилмоқда³.

Ушбу уч йиллик маълумотга қарайдиган бўлсак унда иқтисодиёт ҳаражатлари жами бюджет ҳаражатларини икки йил давомда 2.3 фоизини ташқил этиб келган бўлса, 2010 йилда еса 2.9 фоизини, яъни 0.3 фоиз олдинги йилларга нисбатан ошганлигини кўрмоқдамиз. Ижтимоий-маданий тадбирларга қилинадиган ҳаражатлар вилоят маҳаллий бюджетининг энг катта қисмини ташқил етишини ушбу таҳлил натижасида кўрмоқдамиз. Ушбу ҳаражат 2008 йилда жами ҳаражатлар салмоғида 69.8 фоизни ташқил етган бўлса, 2010 йила ушбу кўрсаткич 67.7 фоизга тушганлигини, яъни 2.1 фоизга жами ҳаражатдаги салмоғи камайганлигини кўрмоқдамиз. Давлат бошқарув органлари ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари сақлаш ҳаражатлари ушбу йиллар давомида деярли бир хил фоизда эканлигини кўриш мумкин. Ушбу ҳаражатлар атига 0.1 ва 0.2 фоизга ортиганлиги кўринмоқда. Капитал қўйилмалар ва лойихалаштириш ҳаражатлари эса уч йил натижаларига кўра 2009 йилда жами бюджет ҳаражатларини 11.2 фоизини, 2008-йилда 8.1 фоизини, яъни олдинги йилга нисбатан 3.1 фоиз камайган. Турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар ҳам вилоят маҳаллий бюджетининг асосий ҳаражатларидан бири саналади. Жадвал маълумотларида ушбу ҳаражат 2010-йил натижасида жами маҳаллий бюджет

³ **Манба:** Наманган вилояти маҳаллий бюджетининг иқтисодий кўрсаткичлари.

ҳаражатларини 14.6 фоизини ташқил этган бўлса, 2010-йилда ушбу кўрсаткич 16.8 га, яъни 2.2 фоизга жами маҳаллий бюджет ҳаражатларидаги салмоғи ошган. Қолган бошқа вилоят маҳаллий бюджетидан қилинаётган ҳаражатлар ушбу уч йил маълумотларига кўра камайиб бораётганлиги жадвалда кўринган. Ушбу таҳлилга асосланган ҳолда шунини айтиш лозимки, кейинги йилларда вилоятда аҳолини турмушини яхшилаш мақсадида вилоят маҳаллий бюджетидан қилинаётган ҳаражатлар кўпайтириб борилмоқда экан. Бу албатта бежизга эмас, чунки халқ қанчалик тўқ ва фаровон ҳаёт кечирсагина мамлакат ривожланиши учун шунча фойдалидир.

II.2 Маҳаллий бюджет ҳаражатларидан сохалар бўйича фойдаланишни таҳлили.

Маҳаллий бюджет ҳаражатларининг ортиб боришининг сабабларидан бири ижтимоий сохалар қуйи муассасаларини маҳаллий бюджет балансига ўтказилишидир.

Иқтисодий ислохотларнинг бошланиши билан ижтимоий инфратузилмалар, авваломбор турли муассасалар балансида бўлган объектлар янги таркибга эга бўлдилар. Бу объектлар ўз даврида бюджетдан молиялаштирилиб, уларни сақлаш ва жорий ҳаражатларини қоплашда муаммолар бўлмаган эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий мувозанатнинг бузилиши билан кўп корхоналарнинг молиявий - иқтисодий ҳолати ёмонлашуви ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаш имкониятлари чекланиб қолди. Бироқ маҳаллий бюджетлар ҳам уларни ўз қарамоғига олиш имкониятида эмас. Шу туфайли Республикамизда ижтимоий сохалар объектларини 2006-йилгача маҳаллий бюджетларга ўтказиш дастури ишлаб чиқилди. Бу маҳаллий бюджетларга ўтказилган объектларни молиялаштириш манбаси сифатида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи жорий қилинди. Бу солиқ турини балансида мазкур турдаги объекти бўлмаган барча ташкилотлар тўлайдилар ва бу тушумлар тўла маҳаллий бюджетга ўтказилади. Бироқ бу

манба ижтимоий сохаларни молиялаштириш учун етарли эмас. Шунинг учун тиббий хизмат, маориф ва бошқа ижтимоий секторларда бепул ва пуллик хизматларнинг самарали мувозанатини ишлаб чиқиш ижтимоий сохаларни молиялаштиришда муҳим масалалардан бири бўлиб қолди.

Харажатларни белгилашда холислик мақсадида Молия Вазирлиги тамонидан алоҳида харажатларни ҳисоблаш ва уларга нормативлар ўрнатишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, ҳудудлар бўйича коэффициентлар белгиланган, «2000-йилда ижтимоий сохаларни бюджетдан молиялаштириш вақтинчалик нормативи» ишлаб чиқилди. Бироқ Ушбу норматив бюджетдан ажратилган маблағлардан келиб чиққан ҳолда тузулганлиги ҳамда унда район коэффициентлари кўзда тутилмаганлиги сабабли қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Нормативларни дифференциаллашмаганлиги ҳудудлар ўртасида аҳоли жон бошига ҳисобланган харажатлар сезиларли табақалашувига олиб келмоқда. Фақатгина Тошкент шаҳригина умумдавлат солиқларидан энг кам ажратмалар олади ва субвенция олмайди ҳамда иқтисодий ривожланган ва солиқ имкониятлари етарли бўлганлиги учун Республика бўйича ўртача кўсраткичга нисбатан қарийиб икки баробар кўп харажатларга эга.

Нормативларни дифференциаллашмаганлиги биринчидан, бюджет дефицитини қисқартиришнинг йулларидан бири бўлган, харажатларни асоссиз қисқартиришга имкон берадиган бўлса, иккинчидан, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга салбий таъсир кўсратмоқда, масалан агар бюджет муассасаси элект энергияси, сув ва бошқа коммунал хизмат харажатларидан аввалги даврда оқилона фойдаланмаган бўлса, келгуси йилда ҳам бюджетдан ушбу йул қўйилган исрофгарчиликни молиялаштирилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларини молиялаштириш муаммоларига алоҳида тўхталиш зарур. Хусусан ижтимоий нафақаларни молиялаштириш ваколотларини маҳаллий бюджетларга, уларни тақсимлашни эса жойлардаги ўз-ўзини бошқариш органларига берилишининг ҳам ижобий, ҳам салбий тамонлари мавжуд. Бир тамондан - бу ижтимоий нафақаларни манзиллилигини кучайтурса, бошқа тамондан – бу субъектив муносабатларга ва

бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатилишига йул очиб беради.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда тармоқлар бўйича Республика ва маҳаллий бюджетлар орқали харажатларни молиялаштириш чегаралаб белгиланган ва қонуний бириктирилган. Бироқ қонунда белгиланган чегаралар харажатларни молиялаштириб боришида Республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида муайян қарама - қаршиликларни бартараф қилмайди.

Молия Вазирлиги ва ҳудудий бошқармалар ўртасида келишмовчиликлар маҳаллий бюджетлар харажатларини прогноз қилиш босқичиданок бошланади. Молия Вазирлиги маҳаллий бюджет харажатларини прогноз қилишда, мавжуд имкониятидан яъни даромадлар прогнозидан келиб чиқиб белгилайди. Худудларда эса харажатларни прогноз қилишда эҳтиёжлардан келиб чиқади, албатта бу молия Вазирлигининг прогнозларини ошириб юборади. Келишув натижасида, барибир даромад базасидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджет харажатлари оптимал прогнози аниқланади.

Бундай ёндошиш «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда ҳам таъкидланган, унга кўра маҳаллий бюджетларда дефицитга йул қўйилмайди. Мос равишда маҳаллий бюджет харажатлари уларни субвенция ҳисоби билан даромадларидан юқори бўла олмайди.

Маҳаллий бюджетлар харажатларини деференциаллашган нормативлар асосида прогноз қилиш орқали марказий ва маҳаллий органларни бир хил ёндашувига ҳамда маҳаллий бюджетларни прогноз қилишга ёндошишдаги келишмовчиликларни бартараф этиш мумкин.

Ижтимоий инфратузилмани турли даражада ривожланиши, саноат базаси, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг салмоғи, нархлар даражаси турличалиги туфайли бюджетдан такдим этиладиган хизматлар киймати вилоят ҳудудларида фарқланади. Вилоят бўйича ўртача кўзда тутилган бюджет харажатлари нормативини амалда қўллаш «ўртача харорат» самарасини эга бўлиши мумкин, ва яна алоҳида районлар ушбу нормативлар асосида ўз харажатларини тўлиқ молиялаштира оладилар, бошқалари эса ўртача нормативга асосан ўзларининг харажатларини қоплай олмайдилар. Шу сабабли районлар гуруҳи ҳисобга олинган ва ижтимоий инфраструктура объектлари салмоғи, узоқлиги, шаҳар ва

қишлоқ аҳолисини салмоғини ва бошқа кўсраткичлар ҳисобга олинган корректив коэффициентлари бўлиши зарур.

Маҳаллий бюджет харажатлари тиббиётда озиқ - овқат харажатлар меъёри, таълимда методик материаллар ва бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони меъёри, бюджет ташкилотларининг коммунал хизмат харажатлари лимитлари ва бошқа шу каби меъёрлар ҳисобга олинган дифференциаллашган нормативлари асосида маълум даражада асосли баҳоланган бўлиши мумкин.

Ҳозирги босқичда маҳаллий бюджет харажатларини район корректив коэффициентлари ҳисоби билан ўртача аҳоли жон бошига нормативлари асосида харажатлар йуналишлари (маориф, соғлиқни - сақлаш, ижтимоий таъминот, уй - жой коммунал хўжалиги, бошқарув ва бошқалар) бўйича баҳолаш бирмунча оддий ва объектив амалга оширилувчи бўлиб ҳисобланади.

Республика ва маҳаллий бюджетлар харажатларини мазкур норматив асосида прогноз қилиш маҳаллий молия органлари ва молия Вазирлиги ўртасидаги прогноз тайёрлашдаги келишмовчиликларни минимумга келтиришга имкон беради.

Харажатларни молиялаштириш бўйича ваколотларни белгилашдаги яна бир муаммо, прогноздан сўнг харажатларни ҳақиқий бажаришда маблағларни мақсадли йуналтириш мақсадида, маҳаллий бюджетлардан республика бюджетига қайтариб олиш амалда қўлланилмокда. Худди шундай республика бюджетидан ҳам айрим алоҳида харажатлар маҳаллий бюджетларга берилмокда.

Маҳаллий бюджетлардан Республика бюджетига асосан биринчи синф ўқувчилари учун ўқув қуроллари, кам таъминланган оилалар фарзандларига бериладиган қишки кийим каби ижтимоий сохалар харажатларига қайтариб олинмокда.

Бюджет тасдиқлангандан сўнг инвестиция дастурига кўра коллежлар ва лицейлар қурилишини молиялаштириш каби инвестицияни маълум қисмлари республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга берилмокда.

Юқорида кўсратиб утилган, (маҳаллий бюджетлардан республика бюджетига қайтариб олинган ва республика бюджетидан маҳаллий

бюджетларга берилган) харажатлар ўзаро ҳисоб – китобларга қўйилади. Бирок харажатларни маҳаллий бюджетларга уларнинг даромадларини қўпайтирмасдан берилиши, бюджет ссудаларига талабни келтириб чиқаради.

Тадқиқот ишининг кейинги босқичида Тўрақўрғон туманининг маҳаллий бюджетининг йиллик бўйича харажатларини таҳлил этамиз.

2.2.1-жадвал

Тўрақўрғон туман маҳаллий бюджетининг 2008-2009-2010 - йиллардаги харажатлар кўрсаткичлари⁴

(Минг сўм)

№	Харажатлар	2008 йил		2009 йил		2010 йил		2009 йилга нисбатан	
		Миқдори (минг сўмда)	% улуш	Миқдори (минг сўмда)	% улуш	Миқдори (минг сўмда)	% улуш	Фарқи (+ ; -)	% да
1	Иқтисодий харажатлар	362553	1.85	471866	2.41	781149	2.24	3092.83	0.65
2	Ижтимоий маданий тадбир харажатлари	14197558	72.72	19132506	72.8	25869867	24.1	6737361	0.35
3	Давлатни бошқарув идораларини сақлаш харажатлари	217745	1.1	263168	1	295200	0.84	32032	0.09
4	Турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ харажатлар	4271006	21.8	5762572	21.9	7006957	20.9	12443.85	0.03
5	Бошқа харажатлар	4655.43	0.023	6451.72	0.022	915174	0.03	2700.02	
6	Жами харажатлар	19523415	100	26275284	100	34868347	100	8593063	0.32

Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки Тўрақўрғон туман маҳалла бюджетининг 2008 – 2009 – 2010 – йилларда харажатлар қўйидагича иқтисодий харажатлари учун 2008 – йилда 362553 минг сўм ёки жами харажатлари 1.85 % ни ташкил этган. 2009 – йилда жами харажатларни 2.41 % ни, 2010 – йилда 2.24 % ни ташкил этиб, 2009 – йилга нисбатан 3092.83 минг сўм кўп харажат қилинган. Ижтимоий маданий тадбирлар харажатлари учун 14197558 минг сўм ёки жами харажатни 72.7 % ни, 2009 – йилда ҳам жами харажатни 72 % ни 2010 – йилда 74% ни ташкил этди.

Давлат бошқарув идораларини сақлаш харажатлари жами харажатларни 1 % ни ташкил этади.

⁴ Манба Тўрақўрғон туман молия бўлими маълумотлари асосида тузилди.

Турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ харажатлар 2008 – йилда жами харажатларни 21.8 % ни 2009 – йилда 21.9 % ни ташқил этган
2010 йилда 20.9 % ни ташқил этган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкунки туман маҳаллий бюджетида ижтимоитй маданий тадбирлар учун қилинган харажатлари улуши жуда юқори бўлиб 70 % дан кўпроғини ташқил этган. Кейинги ўринда турмуш фаровонлиги учун қилинган харажатлар ташқил этган.

2.2.2.-жадвал

Тўрақўрғон туман маҳаллий бюджетининг 2008 – 2009 - 2010 - йиллардаги иқтисодий харажатлари кўсраткичлари⁵

(Минг сўм)

№	Харажатлар	2008 йил		2009 йил		2010 йил		2009 йилга нисбатан	
		Бажариш (минг сўмда)	бажариш %	Бажариш (минг сўмда)	бажариш %	Бажариш (минг сўмда)	бажариш %	Фарқи (+ ; -)	
1	Иқтисодиёт харажатлар	362553	144.9	471866	97.8	781149	99.4	3092.83	0.65
Шундан									
1.1	Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги	60836	98.8	82626	100	110715	98.7	28089	33.9
1.2	Уй – жой коммунал хўжалиги, бошқа харажатлар	273	32.9	351	98	1450	87.9	1099	3.1
1.3	Коммунал дренаж	21197	98.7	33528	99.9	39659	96.3	6131	0.18
1.4	Ободонлаштириш	2802.42	100	16059.45	100	6293.28	100	-9816.17	-61
1.5	Ўз коммуналхизмат	301717	159.9	389240	97.4	670434	99.5	2811.94	0.72
	Жами харжатлар	19523415	100	26275284	100	3486847	100	6593063	0.32

Жадвал Тўрақўрғон туман молия бўлими маълумотлари асосида тузилди.

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўриш мумкунки 2008 – йилда иқтисодиёт харажатлари 144.9 % га кўпайган бўлса, 2009 – йилда 97.8 % га 2010 – йилда 94.4 % га бажарилган. Шундан Қишлоқ ва сув хўжалиги

⁵ Манба Тўрақўрғон туман молия бўлими маълумотлари асосида тузилди

Вазирлиги учун харажатлар режага нисбатан 98.8 % га, 2010 – йилда 87.9 % га бажарилган. Ободонлаштириш учун 2008 – йилда 280242 минг сўм харажат қилинган. Белгиланган режа 100 % бажарилган.

2009 йилда ҳам режа 100 % га бажарилган, 2010 – йилда 624328 минг сўм харажат қилинган бўлса 2009 – йилга нисбатан 981617 минг сўм кам харажат қилинган. Ўзкоммунхизмат учун харажатлар 2008 – йилда режа 159.9 фоизга 2009 – йилда 97.4 фоизга, 2010 йилда 99.5 фоизга бажарилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкунки иқтисодиёт харажатлари ичида ободонлаштириш учун харажат улуши энг кўпини ташкил этади.

2.2.3-жадвал

Тўрақўрғон туман маҳаллий бюджетининг 2008 – 2009 - 2010 - йиллардаги ижтимоий маданий харажатлари кўрсаткичлари⁶

(Минг сўм)

№	Харажатлар	2008 йил		2009 йил		2010 йил		2009 йилга нисбатан	
		Бажариш (минг сўмда)	% да	Бажариш (минг сўмда)	% да	Бажариш (минг сўмда)	% да	Фарқи (+ ; -)	
1	Ижтимоий маданий тадбир харажатлари жами	14197558	97.7	19132506	100	25869867	99.9	6757361	0.35
Шундан									
1.1	Умумий таълим	10373641	97	14078445	100	18753012	100	4674567	0.33
1.2	Маданият ва оммавий ахборот воситалари	45939	99.5	65541	101	102705	99.6	37164	56.7
1.3	Фан	11050	97.5	11066	90	17511	99.5	6445	58.2
1.4	Соғлиқни сақлаш	3726326	99.7	4924339	100	6914512	99.8	1990173	0.40
1.5	Жисмоний тарбия	-	-	-	-	3145	98.5	3145	100
1.6	Ижтимоий таъминот	40602	97.1	53115	99.7	78982	97.6	25867	0.48
	Жами харжатлар	19523415	100	26275284	100	3486847	100	6593063	0.32


Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкунки Ижтимоий маданий тадбирлар харажатлари жами, 2008 – йилда 14197558 минг сўмни, 2009 – йилда 19132506 минг сўм, 2010 – йил 25869867 минг сўмни ташкил этади. Шундан Умумий таълим учун қилинган харажатлар белгиланган режа 2008 йилда 97 % ни, 2009-2010 йилларда 100 % га бажарилган. Соғлиқни сақлаш, ижтимоий

⁶ Манба Тўрақўрғон туман молия бўлими маълумотлари асосида тузилди

таъминот учун харажатларида ҳам шуни кўриш мумкун.

2.2.1-диаграмма

Тўрақўрғон туман маҳаллий бюджет ижтимоий маданий тадбирлар харажатларини устун диаграммаси⁷



Манба: Тўрақўрғон туман молия бўлими маълумотлари асосида тузилди.


Диаграммадан шуни кўриш мумкунки Тўрақўрғон туман маҳаллий бюджетини ижтимоий маданий тадбирлар учун харажатлар 2008 – йилда 17197558 минг сўмни ёки жами харажатни 72.7 % ни ташқил этган, 2009 – йилда 19132506 минг сўмни ёки жами харажатни 72.8 % ни ташқил этган бўлса бу кўрсаткич 2010 – йилда 74.1 %ни яъни 25869867 минг сўмни ташқил этган. Демак, маданий тадбирлар учун қилинган харажатлар йилдан – йилга ўсиб борган.

2.2.2-диаграмма

Тўрақўрғон туман маҳаллий бюджет харажатларини ўсиш динамикаси⁸

⁷ Манба Тўрақўрғон туман молия бўлими маълумотлари асосида тузилди

⁸ Манба Тўрақўрғон туман молия бўлими маълумотлари асосида тузилди



Диаграммадан шуни кўриш мумкунки Тўрақурғон туман маҳаллий бюджетини харажатлари 2008 – йилда 19523415 минг сўмни, 2009 – йилда 26275284 минг сўмни, 2010 – йилда 34868347 минг сўм харажат қилинган. Кўриниб турибдики, харажатлар йилдан – йилга сезиларли даражада ўсгани кўриш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Тўрақўрғон туман маҳаллий бюджетида харажатлар қисми йилдан йилга ўсиб бораётганини кўришимиз мумкин. Бунда асосий харажатлар ижтимоий соҳа харажатларига йўналтирилмоқда.

III-боб. Махаллий бюджетларнинг харажатларидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш

III.1 Махаллий бюджетларни харажатларидан самарали фойдаланишдаги муаммолар ва уларни ечимлари

Мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган туб ўзгаришлар молиявий жараёнларни, жумладан, бюджет мажбуриятларининг бажарилишини ижтимоий-иқтисодий жihatдан таҳлил этишни талаб этмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «Иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланган ҳамда молиявий барқарорликка эришилган ислохотларнинг ҳозирги даврда давлат молияси ва айникса, бюджет тизими барқарорлигини мустахкамлаш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади».

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни иқтисодий усуллар билан бошқаришда давлат бюджетидан фойдаланишнинг назарий ва амалий муаммоларини хорижий ҳамда мавжуд тажрибалар ассосида ўрганиш, уларни такомиллаштириш йулларини ишлаб чиқиш иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнидаги энг долзарб муаммолардан биридир. Иқтисодиётни бошқаришда давлат бюджетининг урни ва аҳамияти тўғрисидаги фикр юритишдан аввал, иқтисодиётни бошқариш. бошқарувнинг иқтисодий усулларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётни бошқариш муаммоси кўп йиллардан буён мунозарали мавзу бўлиб келмоқди. Мамлакат иқтисодиёти мураккаб хўжалик мажмуи бўлиб, унинг таркибий қисмлари (тармоқлари, ишлаб чиқариш тармоғи, ҳудудлар ва бошқалар) жуда тез ўзгарувчан жамият эҳтиёжлари ва ишлаб чиқаришнинг унга мослашиб олишга ҳаракат қилиши туфайли нотекис ривожланади. Иқтисодиётнинг нотекис ривожланиши, унинг бази бўғинларининг олдинга ўтиб кетишига, бошқаларининг эса орқада қолиб кетишига олиб келади.

Иқтисодиётни оқилона бошқариш орқали унинг барча соҳалари ўзаро ҳамжихатлик билан муваффақиятли фаолият кўсратишга эрилишилади. Иқтисодиётни бошқариш деганда, жамият эҳтиёжларининг ўзгариши билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган айрим

тармоқлар ривожланиши даражасига таъсир кўсратишини тушуниш мумкин.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг таркибий тузилишига катта таъсир кўсратади. Бундай аралашувнинг зарурати мамлакатда доимий иқтисодий ўсишини ҳамда асосий товар ва хизматлар баҳосини барқарорлигини таъминлашдан келиб чиқади. Бундан ташқари, товар экспорти ва импортини эътиборга олган ҳолда, ташқи фаолиятни мувофиқлаштириб туриш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан тўла таъминлаш каби давлат иқтисодий сиёсатининг турли йуналишлари иқтисодиётни бошқариб туришда ўз аксини топиши лозим.

Ҳозирги кунда давлат бюджети харажатлари ва даромадлари келаси йил учун ўтган молия йилида эришилган натижалардан келиб чиқиб режалаштирилмокда, яъни, бунда ҳеч қандай иқтисодий ўсиш ёки даромадлар базасини кенгайтириш хисобга олинмасдан, режалаштирилиши жараёни амалга оширилади. Бу механизм иқтисодиёти бир маромда ривожланиб, тўлиқ иқтисодий барқарорликка эришган давлатларда қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўтиш даври иқтисодиёти шароитида давлатнинг молиявий ресурслари фақат давлатнинг функционал вазифаларини бажаришга, балки ҳар бир маъмурий ҳудуднинг ижтимоий - иқтисодий барқарорлигини таъминлаётган бюджетни режалаштириш тизими ушбу мақсадга эришишни тўлиқ таъминлай олаётганлиги, ҳудудлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда муаммоларни ҳал этиш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш заруратини юзага келтиради.

Мазкур муаммони ҳал этиш учун харажатлар борасида олиб борилаётган бюджет сиёсати ўрта муддатли режаларни тузишга қаратилиши лозим бўлади. Ушбу сиёсат ҳудудларда турмуш даражасини кўтаришга иқтисодий ўсишга қаратилган дастурларни ҳаётга тадбиқ этишга қаратилган бўлиб, бюджет харажатларининг қатъий меъёрини белгилловчи ўлчамларнинг киритилишини назарда тўтади, яъни, ҳозирда синов тариқасида республикамизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган бюджетдан аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизмат миқдорларини аҳоли жон бошига қараб белгилаш меъёрлари тўлиқ бюджет харажатлари хисобидан амалга оширилиши шулар

жумласидандир.

Ижтимоий иқтисодий ривожланишни таъминлашда давлатнинг роли прогнозлаш ва режалаштиришда кўринади.

Иқтисодий прогноз бу – иқтисодий тизимнинг келажакдаги (Сифат ва сон шаклида) комплекс далилий кўсраткичларини тахлил қилишдир. Иқтисодий прогнознинг асосий мақсади, вазифаси у ёки бу шароитда (вазиятда) қандай бўлиш лозимлиги хусусида ишончли ва объектив маълумот беришдан иборат. Прогнозлаштирилган маълумотлар жамланмайди у фақат келажакда нима (қандай) бўлишини куришдан иборат. Бундан ташқари, аниқ мақсадга йуналтирилган прогнозлар бўлиши ҳам мумкин. Яъни давлат иқтисодиётини ривожлантириш учун аниқ мақсадларни (вазифаларни) олдинга қўяди. Шу ўринда қисқа, ўрта ва узоқ муддатдаги мақсадлар орасидаги номуносивбликларни ҳам эътиборга олиш мумкин.

Прогнозлаш режалаштириш билан ўзаро боғлиқ тушунчалардир. Прогнозлаш режалаштирилган аниқ ҳисоб-китобларга мурожат қилмасдан иложи йук.

Режалаштириш – мамлакатимизнинг, ҳудудларнинг, соҳаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши прогнозини ишлаб чиқаришдаги давлат, бошқарув органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аниқ мақсадга йуналтирилган фаолиятидир. Режалаштириш билан бозор шароитларининг уйғунлигини таъминлаш лозим. Бўлар бир-бирларини тўлдирувчи элемент эканлигини унутмаслигимиз керак.

Режалаштириш жараёнида иқтисодий субъектлар қатнашади, булар алоҳида индивид, ҳўжалик юритувчи субъект ёки давлат бўлиши мумкин. Бу жараён қонуний асосларга эга бўлиши керак. Агар биз бир йиллик бюджетни режалаштираётган бўлсак режалаштиришнинг услубий йуналишларини ишлаб чиқиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Масалан муддат хақида экан, режалаштиришга ўтишга услубий асосларини ишлаб чиқишда муаммолга дуч келишимиз мумкин. Жуда кўплаб иқтисодий кўсраткичларни тахлил қилишга тўғри келиши билан бирга, мамлакат ташқарисидаги иқтисодий ўзгаришларни ҳам эътибордан қочирмаслигимиз ва доимий кузатувларни олиб боришимизга

тўғри келади. Масалан стратегик ахамиятга эга бўлган маҳсулотлар (нефт, газ, пахта ва бошқалар)нинг жаҳон бозоридаги нархида кузатиладиган ўзгаришларига эътибор қаратишимиз лозим.

Давлат бюджетининг режалаштириш бошқа турдаги режалаштиришдан қуйидаги жиҳатлар билан фракланади:

- сонли хусусиятга эга эканлиги;
- иерархик муносабатларнинг мавжудлиги;
- назорат функциясининг мавжудлиги;
- бюджет муносабатларидан фойдаланиш ҳуқуқи;
- харажатларни даромадларга нисбатан биринчи навбатда тугилиши.

Сонли хусусияти: Бюджет ўзи билан бирга ресурсларни тақсимлаш методикалари ва кўсраткичларининг рақамлар орқали ифодалайди. Барча рақамлар пул кўринишида ифодаланади. Бироқ, ҳозирги кунда режалаштирилаётган бюджетларда нафақат пул кўринишида, балки «мақсадга йуналтирилган, дастурлаштирилган бюджетлаштириш» каби масалалар ҳам долзарб бўлиб қолди. Яъни, бюджет маблағларидан фойдаланишдаги самарадорлик ва уни қандай натижаларга олиб келиши ёритилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида «Молия йилига мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларни ижроси ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сумда амалга оширилади» деб ёзиб қўйилган.

Иерархик муносабатлар: Бюджет жараёнининг ўзи иерархик муносабатлар асосида кўрилади. Уларнинг лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнларида бир-биридан фарқли ваколатларга эга бўлган давлат идоралари иштирок этади. Шу ўринда бир йиллий бюджетни режалаштиришда иерархик муносабатлар янада мураккаблашади ва яққолроқ намоён бўлади. Масалан, тармоқ, вазирлик ва идоралар ўзларининг келгуси йилларга мўлжалланган бюджет кўсраткичларини ва дастурларини Молия Вазирлиги ёки Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳимоя қилиши каби ҳолатлар иерархик муносабатларни юзага келтиради.

Назорат функцияси: Бу иерархик муносабатлар билан узвий боғлиқ тушунча, яъни юқори турувчи молия идоралари бюджет маблағларидан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланилганлиги тўғрисида доимий назорат олиб борилади. Ўрта муддатлар учун қабул қилинган бюджетлар ижросида ҳар йили якуни бўйича дастурларни қандай ҳамда қай даражада бажарилганлиги ҳам таҳлил қилинади. Шунга кўра, келгуси йил бюджети шакллантирилади.

Бундан ташқари, республика ҳисоб палатаси ҳам бюджет лойиҳасини ва ўтган йилдаги (ёки жорий йилдаги) ижроси назоратини олиб боради.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқи амалдаги қонунчилик асосан бюджет маблағлари олувчилари ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун тасдиқланган бюджетдан ўзига ажратилган маблағлар доирасида фойдаланиш ҳуқуқига эга. Харажатларни даромадларга нисбатан биринчи навбатда назарда тутилиши (ёқуи устуворлиги) мазкур тушунча давлатнинг ўз вазифаларини амалга ошириш учун бир қанча харажатларни амалга келиб чиқади. Кейинги йилларда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бюджет дефицитининг кўпайиб кетганлиги ҳам фикримизга мисол бўла олади.

Шу ўринда ўрта муддатли бюджетни режалаштиришнинг аҳамиятини кўришимиз мумкин. Сабаби, бир йиллик бюджетларда амалдаги солиқ ставкаларини бирданига ошириб ёки камайтириб бўлмайди. Бу давлат бюджетининг даромадларига салбий таъсир қилиши билан бирга солиқ тўловчиларнинг ҳам норозилигига олиб келиши мумкин. Давлатнинг шундай харажатлари борки, уни бир йилда мавжуд имкониятлар доирасида амалга оширишнинг имкони бўлмайди. Худди шу ерда бюджетнинг ўрта муддатга режалаштиришнинг аҳамияти кўринади. Яъни, давлат томонидан қабул қилинган йиллик дастурларни ижро этиш харажатлари бунга мисол бўлиши мумкин.


Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бюджетни аниқ мақсадларга йуналтирилган дастурлардаги харажатларини турли стратегик методлардан фойдаланилган ҳолда режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

III.2 Махаллий бюджетларни харажатларидан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибаси

Хориж тажрибасини ўрганиш бўйича Буюк Британия молия тизими, жумладан бюджет тизимини кўриб чиқамиз.

Буюк Британия давлат молияси.

Буюк Британия давлат молияси: марказий ҳукумат бюджети (давлат бюджети) махсус фондлар, махаллий ҳукумат органлари молияси, давлат корпорациялари молиясидан иборат.



Давлат бюджети Буюк Британия молия тизимининг етакчи бўғини бўлиб, у мазкур давлат тузилиши шаклига мувофиқ, давлат бюджети ва кўп сонли махаллий бюджетлардан ташқил топади. Бироқ ушбу махаллий бюджетлар ўз даромадлари ва харажатлари билан давлат бюджети таркибига кирмайди. Буюк Британия бошқа давлатлардаги каби бюджет давлатнинг асосий иқтисодий қонуни бўлиб, ҳар йили ҳукуматга муҳокама учун такдим этилади. Буюк Британия Молия Вазирлиги Парламент олдида жорий йилда иқтисодиётнинг ривожланиши натижалари ва келгуси молия йилида (Буюк Британияда бюджет ёки молия йили 1-апрелдан бошланиб, келгуси йилнинг 31-мартида тугайди) ҳукуматнинг асосий мақсад ва вазифалари хусусида маъруза қилинади. Маърузада давлатнинг жорий харажатларини молиялаштириш учун ҳукумат томонидан янги солиқ тўловларини жорий этиш, солиқ сиёсатига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш каби масалалар янада аниқлаштирилган ҳолда ўз аксини топади. Давлат бюджетининг дастлабки лойиҳаси июль ойида муҳокамага такдим этилади ва келгуси йилнинг март ойида тасдиқланади.

Бироқ ноябрь ойида «Бюджет олди» маърузаси чиқиб, бунда келгуси молия йилида ҳукуматнинг янги мақсадларига баҳо берилади ҳамда янги бюджетнинг фарқли жihatлари очиб берилади.

Бундан ташқари, маърузада бюджет лойиҳасига киритилиши кутилаётган ўзгартиришлар миқдори ҳам ўз аксини топади. Масалан, 2005 – 2006 молия йилидаги давлат бюджети лойиҳаси июнь ойида нашрга чиқарилиб, ушбу лойиҳада фискал асослар, давлат харажатлари лимити ва яқин уч йил учун харажатларни назорат қилиш ва режалаштиришнинг янги режими аниқлаб берилади. Демак, 2005 – йилдаги Буюк Британия давлат молия стратегияси давлатнинг жорий харажатлари йилига ўртача 2,25% ўсишни кўзда тутган эди. Ушбу даврда давлат секторига соф инвестициялар миқдори икки баравар ошиши кутилган эди. Бундан ташқари, ушбу стратегия қуйидаги хусусиятли жihatларга эга:

- ушбу уч йиллик режа вазирликларга истиқболда уз харажатларини режалаштириш имкониятини бериб, давлат ресурсларини бошқаришда етарли даражадаги барқарор асослар билан таъминлайди;

- капитал ва жорий бюджет бўлиниши кўпроқ «олтин қоида»га мос келиб бюджетни режалаштириш ва давлат ресурслари ҳисобини юритиш учун асос бўлади;

- ХХІ асрда юзага келадиган эҳтиёжларни молиялаштириш мақсадида ҳукумат активлари қолдиқларини бериш кутилмоқда. Шунинг қайд қилиш керакки қабул қилинган давлат молияси ривожланиш стратегияси Буюк Британия ҳукумати фискал сиёсатига мос бўлиб, миллий ҳисобнинг халқаро тажрибасида энг яхши ҳисобланади.

Буюк Британия давлат бюджети жорий даромадлар ва харажатлар бюджети ҳамда капитал бюджетга бўлинади:

Буюк Британия жорий бюджетининг асосий даромадлари солиқлар ҳисобланади, Бунда тўғри солиқлар ҳиссаси устунликка эга бўлиб, бюджет даромадларининг 36,2 % ни ташкил этади. Ижтимоий суғурта тўловлари ҳам жорий бюджет даромадлари таркибига киради.

Жорий бюджет маблағлари ҳисобидан фуқаролик моддалари (саноат,

қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқалар) муҳофаа ва давлат бошқаруви харажатлари молиялаштирилади.

Капитал бюджет ўз ичига давлат қарзалри ва уларни бошқариш бўйича фоизлар, давлат ҳокимияти органлари ва корпорациялар томонидан капитал қўйилмалар учун узоқ муддатли кредитлар бериш каби харажатларни олади. Буюк Британия давлат бюджети таркибий тузилиши янада батафсил киритилган.

Давлат бюджети сингари, бюджетдан ташқари фондлар ҳам Буюк Британия молия тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу фондлар ичида ижтимоий ва илмий-тадқиқот фондлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Ижтимоий фондлар аҳолига ижтимоий тусдаги хизматларни кўсратиш учун мўлжалланган молиявий ресурсларни ўзида мужассамлаштиради. Бу фонд қуйидаги уч манба: суғурталанган суғурта бадаллари, тадбиркорларнинг суғурта бадаллари ва давлат субсидиялари ҳисобига шаклланади.

Буюк Британия ижтимоий фонд бадаллари ставкаси 5,7 фоиздан 9 фоиз атрофида тебранади. Ижтимоий фонд тўловларининг асосий уч кўриниши мавжуддир:

- Ўзаро боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун фонд бюджетидан берилган ссудалар;

- «Жамоатни қўллаб қувватлаш» нафақалари. Масалан, аҳоли янги яшаш жойларига кўчиши, хўжалик ишларини кўтариш, транспорт харажатларини қоплаб бериш каби ёрдам бериш;

- Офатлар ёки фавкулотда вазиятлар фуқаролар ҳаётига ва соғлиғига хавф солишида уларга ёрдам сифатида мўлжалланган инкироз ссудалари;

Буюк Британия ижтимоий фонди бюджети молия йилида 501,2 млн. Англия фунтстерлингини ташкил этади. Ушбу маблағлар ҳисобидан кам даромадга ёки нобарқарор иш хакига эга фуқароларга ссуда ёки нафақа кўринишидаги тўловларни амалга ошириш мўлжалланган.

Тадқиқотлар тараккиёти бўйича миллий корпорация фонди Буюк Британия илмий-тадқиқот фондлари орасида асосий ўринни эгаллайди. Ушбу фонд ўз мустақил балансига эга бўлиб, давлат бюджетидан мустақилдир. Унинг

маблағлари асосан, ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни сотишдан келадиган даромадлар ҳисобидан шаклланади. Давлат томонидан ушбу фондга муддатсиз ссудалар ва ҳар йилги субсидиялар тақдим этилади. Ушбу фонд маблағлари ҳисобидан муаммоларнинг илмий ишланмалари ва улар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан шуғилланувчи хусусий корхоналар капитал қўйилмалари амалга оширилади. Фонд маблағлари ҳисобидан давлат университетлари, миллий хусусий корпорациялар лабораторияларида ўтказиладиган тадқиқотлар амалга оширилади ва уларни саноатда ўзлаштириш даражасига бўлган жараён қўллаб қувватланади. Буюк Британия махсус (бюджетдан ташқари) фондлари ҳисобидан давлат харажатларининг 1 дан 3 қисми молиялаштирилади.

Маҳаллий молия Буюк Британия молия тизимининг ўзида акс эттириб, тегишли ҳудудларни ижтимоий ва иқтисодий жihatдан ривожлантириш учун умумдавлат ва маҳаллий молия ресурсларини тақсимлаш амалга оширилади.

Маҳаллий молиянинг асосини маҳаллий бюджетлар – графиклар ва округлар бюджети ташкил этади. Маҳаллий ҳокимят улар ҳисобидан ҳудуднинг комплекс ривожланишини таъминлайдилар.

Буюк Британия маҳаллий ҳокимят тўртта асосий даромад манбаига эгадир: марказий ҳукумат субсидиялари (2006 – 2007 йилларда маҳаллий ҳокимятнисаклаш харажатлари 32800 млн. Англия фунтстерлингини ёки давлат жорий бюджети харажатларининг 10,8 %ни ташкил этди), уй-жой учун солиқ, кўчма мол-мулк учун таърифлар, бизнес – таъриф номи билан ҳам маълум, турли хил йиғимлар ва лицензияларни сотишдан келадиган даромадлар. Харажатларнинг 75 % га яқини айнан ҳукумат субсидиялари ва кўчма мол-мулк учун таърифлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Кўчма мол-мулк учун таърифлар кўчма мол-мулк эгаларидан олинadиган солиқ тўрини англатади. Ушбу мол-мулкнинг киймати ҳар беш йилда қайта баҳоланади. Таърифлар Марказий ҳукумат томонидан белгиланади ва маҳаллий ҳокимят томонидан йиғиб олинади. Солиқ тўловлари уммумиллий пулда (инглизча «Pool») йиғиб олиниб аҳоли сонига боғлиқ ҳолда маҳаллий ҳокимятлар ўртасида тақсимланади.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги боблардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Маҳаллий бюджетларнинг ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш муаммоларини ҳал этишдаги ролини оширишда иккита муҳим жихат эътиборга олиниши лозим:

1. Мамлакатимизда ҳудудлар ижтимоий – иқтисодий тараққиётида анчагина тафовутлар мавжудлиги боис давлатнинг алоҳида ҳудудларни қўллаб-қувватлаши зарурлиги ва бу қўллаб - қувватлаш маҳаллий бошқарув органларини кадрлар, ташқилий ва молиявий мустаҳкамлаб борилишини ҳам назарда тўтади.
2. Ҳудудлар жадал ривожланиши учун ҳар қайси ҳудуд ўзи эгалик қилаётган иқтисодий имкониятлардан янада оқилона ва тежамли фойдаланиш зарурлигини, ҳар қайси ҳудуд ўз ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда фаоллик кўсратиши, бу фаоллик маҳаллий бошқарув органларининг иш фаолиятида намоён бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида ҳудудий иқтисодиёт муаммолари ва маҳаллий бюджетларни бошқариш амалиёти ҳозирги ҳолатнинг таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

- Ўзбекистон Республикасида маҳаллий молияларнинг ривожланиши ҳудудий иқтисодий сиёсат концепсиясига асосланади;
- Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ҳамда табиий-жуғрофий жойлашувидаги хусусиятлардан келиб чикувчи тафовутлар давлатнинг маҳаллаий бюджетларни бошқариш сиёсатига ҳам ўз таъсирини ўтказадик, бунинг натижасида маҳаллий бюджет бўғинлари ўртасида бюджет мажбуриятларининг тақсимооти меъзонлари давлат томонидан тартибга солинади. Мазкур тафовутлар турли ҳудудлар бюджет мажбуриятларининг бир мунча юқори ва айримларида эса, хатто, молиявий имкониятларнинг тақсимоотидаги кескин етишмовчиликларни келтириб чиқаради, ушбу ҳолатлар давлатнинг маҳаллий бюджетларни бошқариш сиёсатида долзарб аҳамият касб этади;

- Маҳаллий бюджетларнинг бюджет тизимида тўтган урни ва аҳамияти амалдаги бюджет қонунчилиги доирасида улар фаолиятини таъминлашнинг ҳуқуқий-меърий ва ташкилий-иқтисодий асослари орқали яққол намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда ушбу асослар тимсолида маҳаллий бюджетлар имкониятлари шаклланиши ва уларни самарали бошқариш йуналишлари учун замин яратган. Бироқ мамлакатимизда бюджетлараро муносабатларнинг янги модели шароитидаги ҳамда бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигини таъминлашдаги давлат тадбирлари ва уларнинг реал ижроси хали бу соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжудлигини тасдиқламоқда.

Ижтимоий имкониятларнинг ҳозирги босқичида социал соҳага ажратилаётган сарф харажатларнинг самарадорлигини янада оширишни талаб этилмоқда. Бунда асосий эътибор социал инфраструктурага йуналтирилаётган харажатлардан олинган натижага қаратилиши лозим.

1997 йилда республикамызда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонунга биноан жаҳон талабига жавоб бера оладиган баркамол ёш авлодни тарбиялаш ҳамда мамлакатнинг келажакдаги пойдеворини яратиш масалалари ҳозирги шароитда устувор йуналишлардан бирига айланди. Мана шу муаммоларни ҳисобга олган ҳолда давлатнинг бюджетидан ушбу соҳани молиялаштириш учун кўзда тутилган харажатлари миқдори ва улушиюқори булмоқда. Республикамызда соғлом авлодни шакллантириш ва уларни бақувват соғ-саломат бўлишларини таъминлаш ҳам мамлакатимиз тараккиётининг муҳим омили ҳисобланади.

Жаҳонда ўтказилаётган тадқиқодлар шуни кўсратадики, миллатнинг саломатлиги соғлигини сақлашга қилинаётган харажатлар миқдорига бевосита боғлиқ бўлмасада, соғлиқни сақлаш соҳаси ўзининг асосий вазифасини бажариш учун бу соҳага сарфланадиган харажатлар ЯИМ га нисбатан 6 – 10 фоизни ташкил этиши лозимлиги умумий равишда тан олинган. Бизда эса бу кўсраткич бундай талабларга мувофиқ эмаслиги кузатилмоқда. Албатта, бу

жараёни тўхтатиш ва ушбу соҳани ривожлантиришда маҳаллий бюджет харажатларидан оқилона фойдаланиш йуларини ишлаб чиқиш лозим. Бундай йуналишлар сифатида турли касалликлар билан касалланиши хавфини олишга қаратилган аниқ тиббий хизматлар кўсратиш соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, соғлом атроф муҳитни сақлашга кумаклашувчи турли тадбирларни асосан бюджет ҳисобидан молиялаштириш, касални даволашга эмас, балки касални олдини олишга эътибор қаратиш лозим. Бундан ташқари аҳолига тиббий маслаҳат ва санитария-ўқув ишларини пулли хизматга ўтказиш ҳамда мажбурийлик принципига асосланган тиббий суғурта тизимини яратиш ва шу орқали соғлиқни сақлаш харажатларини молиялаштириш бу соҳага йуналтирилаётган маблағларни янада мақсадли ишлатишга олиб келади. Бу эса давлат томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш имкониятини яратади. Юқорида келтирган фикрларимизга асосланган ҳолда қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Маҳаллий ҳокимиятларга турли хил солиқ ва йиғимларни маҳаллий шароитга мос равишда ставкаларда олинишидаги чора-тадбирларга рухсат берилиши керак.
2. Харажатларни режалаштиришда меъёрлаштириш усулларида фойдаланиш.
3. Бюджет даромадларини режалаштиришни қуйидан юқорига қараб амалга ошириш.
4. Республика ва вилоятлар бюджетларидан дотация олувчи вилоят, шаҳар ва туман бюджетларида шу ҳудудлардан йигилган барча турдаги солиқ ва йиғимлар тўлиқ қолдирилиши лозим.
5. қўшимча даромад манбаларини излаб топишда маҳаллий ҳокимият органларининг ролини ошириш мақсадида Конституцияда белгилаб қўйилганидек, маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг тўрини ва ставкалари миқдорини маҳаллий ҳокимиятни узи белгилаши лозим.

Иқтисодиётни эркинлаштирилиши шароитида маҳаллий бюджетлар

Ўзининг муҳим ролини сақлаб қолади. Бунда фақат маҳаллий бюджетларнинг харажатларини молиялаштиришнинг янгича тартиби билан ижтимоий ишлаб чиқаришга таъсир кўсратиш усулларигина ўзгаради. Бугунги кунда ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожланиши бюджетдан молиялаштириш ва дотациялар бериш усуллари билан эмас, балки иқтисодиётни молиявий тартибга солишга имкон берувчи иқтисодий усуллар ёрдамида таъминланади. Маҳаллий бюджет маблағлари асосан аҳолининг заиф ва ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини давлат томонидан ижтимоий ҳимояга, ноишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга ҳамда давлатимизнинг инвестиция сиёсатини амалга оширишга йуналтириш керакдир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. Халқ сузи. 2000 йил 14 январ
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрда «Асосий макроиктисодий кўсраткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йилги параметрлари тўғрисида»ги ПК-сонли қарори.
3. Давлат молия тизими, меърий ҳуқуқий ҳужжатлар туплами; - Т.Ўзбекистон 2001 й.368 б.
4. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. Халқ иродаси. 2010 йил 24-ноябр.
5. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга, хизмат қилади. Халқ сўзи. 2011 йил 22 январ.
6. Каримов И.А Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига ҳос йули Т.Ўзбекистон 1997йил. 108 б.
7. Каримов И.А Ўзбекистон иқтисодий си'сатининг учтувор йиналишлари Т.Ўзбекистон 1993 й. 53 б.
8. Каримов И.А Ўзбекистоннинг сийсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. Т. Ўзбекистон. 1995 й. 73 б.
9. Каримов И.А Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т. Ўзбекистон. 1995 й. 269 б .
10. Каримов И.А Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари Т. Ўзбекистон. 1996 йи. 110 б.
11. Каримов И.А Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон. 1998 й. 682 б.
12. Каримов И.А Ислохотлар стратегияси мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Халқ сузи. 2003 й. 18 феврал. №40
13. Каримов И.А жаҳон молиявий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни

бартараф этишнинг йуллари ва чоралари. Т.У. 2009 й.

14. Бабич А.М, Павлова А.Н Финанси.-М.ФБК пресс.2000.
15. Ноговицин А.Г Бюджетная палитика. –М.Инфра. 2000. – 124 с.
16. Ноговицин А.Г Бюджетная палитика. – М. Экзамен. 2000. 512 с.
17. Набиев г, Каломов А «Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти» Т. Академияси. Университет. 2000. 45 б.
18. Орёним В.П Государственное регулирование национальной экономики, М. Инфра. 2000. 56 с.
19. Поляк Г.Б Бюджетная система. Россия. М. ЮНИТИ. 1999.539 с.
20. Рахимова А, Хожиев Э Ўзбекистон Республикасининг молия ҳукуқи. – т. ТДЮН. 2002.406 б.
21. Роберт Маккенл Америка иқтисодиётининг асослари. Таржимон Х.қараматов. Шарк. 212 б.
22. СомсоковН.Ф, Бараншиков Н.П, Стракова И,И Финанси на макроуровне. – м. Висшая школа. 1998.
23. Сумараков В.Н Государственные финансы. В Системе макроэкономического регулирования.
24. Сирожиддинова З.Х Управления государственными финансами. Текстил лицей. Т. ТФИ.2001ю 94 б.
25. Сирожиддинова З.Х , Абдуллаев г.А, Усипбоев Н.И Государственные финансы. Республики узбекистан. Учебное пособие. Т. ТФН. 2001. 85 с.
26. Сирожиддинова З.Х, Вахобов А.В, Сидиков Ж.Р Государственные финансы. Республики узбекистан. Учебное пособие. Т. ТФН. 2001. 107 с.
27. Тренев Н.Н. Управление финансами. – М.: Финансы и статистика. 1999.
28. Финансовая политика, нологи кологоблажения. Справочная пособия подред. Беганов В.С, Куролов М.Я, Шоулов Д.Н, Кан У.Т. - М.: Мир економики и права. 1998. 209 с.
29. Ченўрин М.Н, Киселева Е.А Курс економической теории. Учебник. М.: АСА.1997.

30. Эгамов г, Маликов Р. Молия механизми муаммо ва ечимлар. Т.: Ўзбекистон. 1991 й. 94 б.
31. Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. - М.: Московский Центр Кариега. 2001. – 264 с.
32. Йулдаев М, Турсунов Й. Молия ҳуқуқи. Т.: Мехнат. 1999 й.
33. Улмасов А.У, Шарофходжаев М. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: Мехнат. 1995 й.
34. Улмасов А.У Иқтисоди'т назарияси асослари. Т Улмасов А.У Мехнат.1997. – 225 б.
35. гуломов С. «Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти» Тошкент. Мехнат. 1999 й. – 208 б.